

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.30.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

УЛУГОВА ШОХИДА ШОХРУХОВНА

**ФЕМИНИСТИК БАДИЙ МАТНДА МЕТАФОРА
ФАОЛЛАШУВИНИНГ КОГНИТИВ-СТИЛИСТИК ЖИХАТЛАРИ
(“ЖЕЙН ЭЙР” РОМАНИ АСОСИДА)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Улугова Шохид Шохруховна

Феминистик бадий матнда метафора фаоллашувининг когнитив-стилистик жиҳатлари (“Жейн Эйр” романи асосида)..... 3

Улугова Шохид Шохруховна

Когнитивно-стилистические аспекты актуализации метафоры в феминистическом художественном тексте (на основе романа “Джейн Эйр”)..... 27

Ulugova Shokhida Shokhrukhovna

Cognitive-stylistic aspects of metaphor actualization in feminist literary text (based on the novel “Jane Eyre”) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03.30.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

УЛУГОВА ШОХИДА ШОХРУХОВНА

**ФЕМИНИСТИК БАДИЙ МАТНДА МЕТАФОРА
ФАОЛЛАШУВИНИНГ КОГНИТИВ-СТИЛИСТИК ЖИХАТЛАРИ
(“ЖЕЙН ЭЙР” РОМАНИ АСОСИДА)**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фанида юз бераётган интеграллашув жараёнлари тил воситаларидан фойдаланишнинг эстетик мазмунини ҳар томонлама ва чуқур ифодалаш имкониятларини юзага келтирмоқда. Жумладан, метафора ҳодисасининг бадий матнда воқеланишига оид лисоний ҳодисалар замонавий филологиянинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиб, унинг аҳамияти метафорик кўчим ҳаракатининг асар муаллифи лисоний ижодкорлик фаолияти давомида содир бўлиши билан белгиланади. Метафорик ижодкорлик намуналарининг концептуал жиҳатларга эгаллиги лисоний ифода воситаларининг коммуникатив – стилистик вариантлашуви ҳамда турли когнитив тузилмалар ўртасидаги диалектик алоқа мавжудлигини исботлаш имконини беради. Айни шу ҳолат, замонавий тилшуносликда когнитив стилистика соҳасида тадқиқотларнинг кенг кўламда амалга оширилаётганлигини изоҳлаб беради. Ушбу масалага қизиқиш ижтимоий ҳаётда юз бераётган инновацион жараёнлар, инсонларнинг интеллектуал билимга бўлган эҳтиёжининг ўсиши, айрим кадрларнинг қайта баҳоланиши, тил ва маданият муносабатининг янги талқинлари сабабли кучаймоқда.

Дунё тилшунослигида матн тузилиши, уни таркиб топтирувчи ҳодисаларнинг коммуникатив тилшунослик, прагматик прагматика нуқтаи назардан ўрганилиши, антропоцентрик парадигмага хос ёндашувлар ривож ва такомиллашуви учун хизмат қилмоқда. Бироқ, метафорик тузилмаларнинг бадий матн таркиб топишидаги улуши, уларнинг бадий–эстетик концепт хусусиятини олишига сабаб туғдирувчи омиллар мажмуаси етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, метафора ҳодисасининг семантик, прагматик, когнитив жиҳатларини ҳамда ушбу ҳодисанинг лингвокреатив имкониятларини кенг кўламда тадқиқ қилиш долзарб вазифалардандир.

Мустақилликнинг ўттиз йиллигини нишонлаб, мўлжалдаги юксак мақсадлар сари илдам қадам ташлаётган янги Ўзбекистонда интеллектуал салоҳиятни оширишнинг асосий омили ва манбаси бўлган илм фан тараққиёти учун қулай муҳит яратилган. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Агар биз таълимни ўзгартирсак, таълим инсонни ўзгартиради. Инсон ўзгарса– бутун жамиятимиз ўзгаради. Шу боис биз узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз”¹. Таълим тизимининг ривож бевосита илм–фан тараққиёти билан боғлиқ. Тилшуносликнинг янги йўналишларини тарғиб қилиш, улар доирасида эришилган натижаларни таълим соҳасига татбиқ этиш мамлакатимиз

¹Ш. Мирзиёев. “Ватанимиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси”. <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-shavkat-mirziyoevning-o'zbekiston-respublikasi-davlat-mustaqilligining-30-yillik-bayramiga-bag'ishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>

олимлари олдида турган устувор вазифалардандир. Шу жумладан, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда жаҳон адабиётининг ёрқин намояндалари бўлган ёзувчи ва шоирларнинг ижоди билан яқиндан танишиш, уларни лингвомаданий ва когнитив стилистика нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш миллий тилшунослик ҳамда адабиётшунослик соҳалари истиқболи учун хизмат қилиш билан биргаликда, маданиятлараро муносабатлар ривожига ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2022 йил 18 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ- 4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Метафора ҳодисасини ўрганиш антик даврлардан бошланган бўлса-да, даврлар мобайнида ушбу муаммога ёндашув такомиллашиб ва долзарблашиб, қатор тилшуносларнинг тадқиқотларида янги илмий–назарий қарашлар пайдо бўлиб, турли жиҳатдан тадқиқ қилинмоқда. Жумладан, Л. Камерон, Ж. Лоу, М. Киммел, Н.Д. Арутюнова, А. Ричардс, Г.Н. Скляревская, А.А. Тараненко кабиларнинг ишларида метафоранинг фалсафий ва лисоний мақоми ёритилган ва унинг таснифий белгилари ажратилган².

²Cameron L., Low G. Researching and applying metaphor. – Cambridge: CUP, 1999; Kimmel M. Metaphor variation in anthropological theories of metaphor// European Journal of English Studies, 2004.–vol.8.–P.275-294; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека.–М.: Языки славянской культуры, 1998. –895 с.; А. Ричардс.

Бир гуруҳ олимлар (В.Н. Телия, О.Н. Глазунова, З.Н. Резанова, А. Юлдашев, А. Раҳимов ва бошқалар) метафорик кўчимларнинг лисоний номинация тизимида тутган ўрнига эътибор қаратганлар ҳамда уларнинг тил луғат таркибидан жой олиши билан боғлиқ ҳолатларни ёритишга ҳаракат қилганлар.³

Жаҳон тилшунослигида тилнинг когнитив назарияси оммалашганидан сўнг метафораларнинг концептуал табиати, улар ҳосил бўлишининг инсон билиш қобилияти билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқотчилар эътиборини жалб қила бошлади⁴. Шунингдек, кейинги йилларда алоҳида мавзуй гуруҳларга кирувчи метафораларнинг нутқий фаоллашувига оид тадқиқотлар сони кўпайиб бормокда⁵.

Бироқ ҳозиргача метафорик ижодкорликнинг бадиий матнда муаллиф ва персонаж лисоний шахси дискурсида тутган ўрни ва асар ғояси, мазмуни ривожига таъсир кўрсатувчи когнитив – стилистик механизмлари етарли даражада ёритилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Дискурсив фаолиятнинг когнитив-прагматик таҳлили” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бадиий матнда метафоралар воқеланишини таъминловчи лисоний ва нолисоний омиллар муносабатини, бадиий мазмун ифодасининг когнитив-стилистик асосини очиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Философия риторика// Теория метафоры.–М.: Наука, 1990.–С. 44-67; Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка.–СПб.: Изд-во СПб. у-та, 1993.–С. 29-64; А.А. Тараненко. Языковая семантика в её динамических аспектах.–Киев: Наукова думка, 1989.–256 с.

³Телия В.Н. Метафора и её роль в создании языковой картины мира// Роль человеческого фактора в языке.– М.: Наука, 1988; Резанова З.Н. Метафора в процессах миро моделирования// Метафорический фрагмент русской языковой картины мира: ключевые концепты. Ч.1. –Воронеж, РИЦ ЕФВТУ, 2003.–С.13-75; Глазунова О.Н. Логика метафорических преобразований. –СПб.: Изд-во СПб. у-та, 2000. –190с; Юлдашев А. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Филол. фанлари бўйича фалсафа докт. дис. автореферати. –Т., 2017.–47 б.; Раҳимов А.А. Иккиламчи номинатив бирликларни ҳосил қилувчи лингвокогнитив воситалар (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида). Филол. фан. фалсафа докт. дисс. автореферати.–Самарқанд, 2020. –61 б.

⁴Lakoff G., Johnson M. Metaphors we live by. –Chicago: The University of Chicago Press, 1980/2003.–276 p.; Murphy G. On Metaphoric representations// Cognition, 1996. Vol. 60.–P. 173-204; Gibbs K. The Cambridge Handbook of Metaphor and Thought. –N.Y.: CUP, 1993; Mac S.A. A Cognitive Theory of Metaphor. –Cambridge, Mass. MIT Press, 1993; Павлова М. Метафоры и когнитивные науки // [http:// dsd.chat.ru/ТВ.НМ](http://dsd.chat.ru/ТВ.НМ); Вардзерашвили Ж. Метафорическая картина мира в русском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тбилиси, 2002. – 26 с; Худойберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фан. докт. ...дисс.–Т., 2015.–Б. 64-74; Сафаров Ш. Когнитивно-интерактивные функции метафоры// Мир духовной культуры человечества: язык, литература, искусство. – Самарқанд, 2006. – С. 82-85; Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Т.: Мумтоз сўз, 2017.–Б. 117-126; Махмараимова Ш. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти. Филол. фанлари ... фалсафа докт. дисс. автореферати.–Қарши, 2018.–61 б.; Насруллаева Г.С. Антропоцентрик метафоранинг лисоний, когнитив ва лингвомаданий аспекти. Филол. фан. фалсафа докт. дисс. автореферати.– Фарғона, 2019.–486.

⁵Будаев Э.В., Чудинов А.П. Метафора в политическом интердискурсе. – Екатеринбург: Изд-во Екатеринбургского у-та, 2006; Musolf A. Metaphor and Political Discourse: Analogical reasoning in debates in Europe.– N.Y.: Palgrave Macmillan, 2004; Deignan A. Metaphor and corpus linguistics. – Amsterdam: John Benjamins Publishing, 2005; Kövecses Z. Metaphor in culture. Universality and variation. – Cambridge: CUP, 2005; Рустамова Д. Метафорик эвфимизация. Филол. фан. д-ри... дисс.–Андижон,2013.

метафора ҳодисаси бўйича жаҳон тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш ва ушбу ҳодисанинг табиати, семантик–функционал хусусиятлари ҳақидаги қарашларга муносабат билдириш;

матн таркибида шаклланадиган метафорик тузилмаларнинг концептуал моҳияти ва прагматик имкониятларини очиб бериш;

метафораларнинг матнда қўлланиш шарт–шароитининг когнитив–стилистик механизмлари ҳамда бадиийётга хос тамойилларини аниқлаш;

концептуал метафораларнинг роман қаҳрамонлари нутқида учрайдиган метафорик иборалар билан алоқадорлигини белгилаш;

матнда метафорик ижодкорлик ҳаракати фаоллашуви замирида ҳосил бўладиган метафораларнинг персонажлар дунёқараши билан боғлиқ жиҳатларини фарқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарлотта Бронте қаламига мансуб “Жейн Эйр” романи бош қаҳрамонлари нутқида учрайдиган метафора тузилмалари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бадиий матн таркибида фаоллашаётган метафораларнинг концептуал асосини ва прагматик–стилистик ўзига хослигини белгиловчи лисоний тафаккур ҳаракатлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумий ва махсус тадқиқ усуллари: тавсифий таҳлил, контекст таҳлили, когнитив–концептуал таҳлил, фреймли моделлаштириш, семантик–стилистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

метафора ҳодисаси табиатини ёритишда роман матнида фаоллашган *life is journey, love is a wild animal* каби концептуал метафоралар таҳлили асосида когнитив назария тамойилларига мурожаат қилиш маҳсулдор эканлиги исботланган;

метафорик тузилмалар бадиий матнда ҳосил бўладиган мавзу ривожига прагматик–эстетик жиҳатдан ҳисса қўшиши билан биргаликда, асарнинг услубий шакл олишига таъсир кўрсатиши далилланган;

матнда метафоранинг айнан когнитив структуралар замирида шаклланган тури фаоллашуви асар умумий ғояси ҳамда персонажлар дунёқараши билан муқобиллашуви аниқланган;

метафораларнинг турли ижтимоий, маданий, табиий ва ўзаро мулоқот муҳитлари билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган когнитив, концептуал турлари дискурснинг ривожига ва тушунарли бўлиши учун шароит яратиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

метафорик ижодкорлик намуналари воқеланишининг когнитив–стилистик механизмларини тавсифлаш усуллари ишлаб чиқилган;

муаллиф ва персонажлар метафорик ижодкорлик фаолиятини таҳлил қилиш методикасидан турли тиллардаги бадиий матнлар таркибини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

метафораларнинг бадиий матнда воқеланиши жараёнининг когнитив–стилистик тадқиқи бадиий ижод жараёнида содир бўладиган лисоний

инновацияларнинг эстетик қадрияти ва мақомини белгилаши ҳамда тил тизими заҳирасидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш имконини бериши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларнинг таҳлил методологияси ва методи билан уйғунлиги, муҳокама қилинаётган муаммонинг долзарблиги, янги ва муҳим вазифаларнинг ҳал этилганлиги, катта ҳажмдаги материал таҳлили асосида эришилган лисоний далилларнинг назарий асосланганлиги, тадқиқотнинг ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлари замонавий усуллар татбиқида ечилганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, алоҳида бадиий матн материали асосида метафора тузилмалари воқеланишини тадқиқ этиш когнитив–стилистик ижодкорлик жараёни табиатини ҳар томонлама тавсифлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материалларидан олий таълим муассасаларидаги таълим жараёнида когнитив тилшунослик, матн лингвистикаси, лингвопрагматика, умумий ва қиёсий стилистика фанлари бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда ҳамда инновацион ўқув адабиётларни яратиш, махсус луғатлар ва маълумотномалар тузишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Концептуал метафораларнинг бадиий асар матнида муаллифнинг лингвокреатив фаолиятига мос равишда воқеланишининг когнитив–стилистик ва прагматик хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича эришилган илмий амалий натижалар асосида:

метафорик тузилмаларнинг матннинг услубий–функционал хусусиятларини шаклланиши билан боғлиқ жиҳатлари таҳлили натижаларидан 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SVHE-SP-ERASMUS + SVHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган. (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2020 йил 9-ноябрдаги 2046/30.02.01–сонли маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг лингвистик ва коммуникатив қобилиятини ошириш, адабиётшуносликка оид билимларини бойитиш ҳамда таълим тизимини барқарорлаштириш мақсадида янгитдан яратилган услубий қўлланмалар материали қамров кўлами кенгайган;

когнитив метафораларга мансуб инсоннинг ички дунёси, руҳий ҳолати, дунёқараши, ҳаётга муносабатини акс эттирувчи метафораларнинг қиёсий таҳлилига оид хулосалардан И–204-4-5 рақамли “Инглиз тили мутахассислик фанларидан ахборот–технологиялар асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институти 2021 йил 27-

январидаги 232/30.02.01–сонли маълумотнома). Натижада, матнда метафора фаоллашувининг когнитив–стилистик жиҳатларини тавсифлашга йўналтирилган таҳлил усуллари “Хорижий мамлакатлар адабиёти”, “Лингвистик таҳлил методлари”, “Лингвистик прагматика”, “Когнитив тилшунослик” каби фанларнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилган;

бадий концепт ва унинг замирида ҳосил бўладиган метафоранинг бадий ижод жараёнидаги моҳияти ва унинг асар қаҳрамонлари дунёқарашига хосланиши борасидаги фикрлардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Самарқанд садоси” радиоэшиттиришида 2020 йил 19 ноябрь куни эфирга узатилган эшиттириши сценарийсини тузишда фойдаланилган (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 19-ноябрдаги 09-01/337 сонли маълумотномаси). Натижада, ушбу туркумдаги эшиттиришларнинг илмий–оммабоплиги таъминланган ва улар янги манбалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий амалий анжуманда, шу жумладан, 3 та республика ва 5 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий натижалари 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик ишларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган нашрларда 9та илмий мақола, шулардан 2 та республика ва 4 та хорижий илмий журналларда, шунингдек, турли илмий тўпламларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Метафора ҳодисасининг табиати ва унинг дискурсив фаоллашуви”** деб номланган биринчи бобида метафора ҳодисасининг тилшуносликда талқин қилинишига оид ёндашувлар таҳлил қилиниб, унинг инсон онгида кечаётган ижодкорлик жараёни маҳсули эканлиги исботланган. Метафоранинг концептуал тузилиши ҳамда дискурсив моҳиятининг ўзаро боғлиқлиги ҳақида фикр–мулоҳазалар билдирилган.

Метафора ҳодисаси қарийб икки минг йилдан буён файласуф, тилшунос, адабиётшунослар ва бошқа фанлар вакилларининг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Аммо метафора бажарадиган вазифалар моҳияти фақат 20-асрнинг олтмишинчи йилларига келиб махсус ўрганила бошланди. Чунки шу даврда метафора илмий тадқиқида янги ёндашувлар жорий қилина бошланган эди. Метафора ҳодисаси тадқиқини бевосита илмий билиш назарияси билан боғлиқ ҳолда ўрганишга биринчилардан бўлиб америкалик мантиқшунос М. Блэк киришди. Метафора назариясига “focus” ва “frame” тушунчаларини татбиқ этган М. Блэк, қисман А. Ричардс хулосаларидан фойдаланган ҳолда, “interaction approach” интеракцион (ўзаро таъсир) ёндашув таҳлил услубини ишлаб чиқди. Мазкур ёндашув доирасида метафоранинг сўзлар бирикуви тилнинг сиртқи сатҳидан кўра чуқурроқ жойлашган ботиний сатҳда фаоллик кўрсатадиган ҳодиса эканлиги исботланди⁶.

Маълумки, метафора онгда кечаётган ижодкорлик жараёни маҳсулидир. Инсоннинг онгли ижодкорлиги, ўз навбатида, атрофдаги воқелик ҳақида чексиз билим соҳиби бўлишга йўналтирилган. Метафора ҳодисаси таҳлилига семиотик ёндашув усул ва амалларининг жалб қилиниши ушбу ҳодисанинг лисоний тафаккур фаолият ботинида сақланадиган “қора нуқталари”ни равшанлаштиришга йўл очади.

М. Миртожиев метафора турларини ажратиш муаммосига тўхталиб, бундай тасниф, биринчидан, ўхшатиш белгиларига асосланиши ва, иккинчидан, ҳосила маъно юзага келиш сабабларини аниқлашга йўналтирилиши лозимлигини уқтиради. Олим, немис тилшунослари ажратишган метафоранинг персонификация, символизация, аллегория, синестезия кўринишларини санаб ўтиб, улар қаторига оддий метафорани ҳам қўшиб қўяди⁷.

Кўринадики, М. Миртожиев метафоранинг ҳар қандай тури ҳосила маъно референтини ҳосил қилувчи маъно референтига ўхшатиш, қиёслаш орқали содир бўлишини эътироф этади.

Г.Н. Склярская айтаётганидек, метафора таҳлилига ёндашувлар фарқ қилишига қарамасдан, лисоний ва бадий метафоранинг иккита алоҳида соҳа–семасиология ва стилистик тадқиқ объекти сифатида мавжудлиги ҳақиқатдир. Метафоранинг ушбу икки тури ўртасидаги фарқ айниқса уларнинг луғавий мақоми инобатга олинганида яққол кўзга ташланади. Лисоний метафора семантик алоқаларга эркин киришадиган алоҳида ёки мустақил луғавий бирликдир. Бадий метафора аксарият ҳолларда контекстга боғлиқ ҳолда юзага келади ва шу сабаб мустақил луғавий бирлик мақомига эга эмас⁸.

Ушбу икки турдаги метафоранинг ўзаро фарқи метафоранинг семантик сатҳида ҳам намоён бўлади. Ҳар бир бадий метафора ўзига хос ва ноёбдир, лисоний метафоранинг лексик маъносини эса қисмларга ажратиш ва схемалаштиришнинг имконияти мавжуд.

⁶Блэк М. Метафора// Теория метафоры.–М.:Прогресс, 1990.–С.153-172.

⁷Миртожиев М. Семасиология. – Т.:Мумтоз сўз,2010. – 288б.

⁸Склярская Г.Н.Метафора в системе языка.–СПб.:Изд-во СПб.у-та, 1993.–С.29-64.

Кейинги йилларда метафоранинг яна бир тури – когнитив метафора ҳодисаси атрофидаги баҳслар тобора авж олмоқда. “Когнитив терминлар қисқача луғати”да метафора концептуаллашув шаклларида бири сифатида таърифланади. Луғат муаллифларининг фикрича, метафоранинг ҳосил бўлиши “янги тушунчани шаклланиши ва ифодаланишини таъминловчи когнитив жараён”⁹.

Когнитивистлар ўз ишларида метафоранинг концептуал ҳодиса эканлигини ва у орқали тафаккур жараёни кечишини кузатиш мумкинлигини исботлашни ўз зиммаларига оладилар.

Метафора когнитив ёндашув доирасида юқори қийматли ҳодиса сифатида баҳоланади. Зотан, метафора инсон тафаккур фаолиятининг ажралмас қисмидир ва у воқелик идроки жараёнида оламда кечаётган воқеа-ҳодисаларни концептуаллаштириш ҳамда категориаллаштиришнинг муҳим воситасидир. Шу восита татбиқида оламнинг лисоний манзараси метафорик кўринишда шаклланади.

Америкалик олимлар Ж. Лакофф ва М. Жонсон томонидан яратилган концептуал метафора назарияси метафора ҳодисаси назарий таҳлилига кўшилган катта ҳиссадир. Мазкур назарияга биноан метафора-оддий лисоний ҳодиса бўлиб қолмасдан, балки кундалик концептуал воқеликдир, зотан биз кўпчилик ҳолатларда бирор нарса ҳақида фикр юритаётганимизда бошқа нарса-ҳодисаларнинг шаклу-сиймоси кўз ўнгимизда туради. Оқибатда, семантик кўчимлар юзага келиб, шакл ва мазмун ассиметрияси фаоллашади. Америкалик олимлар изидан бораётган тадқиқотчилар концептуал метафорани “мўлжал худуди – мақсад худуди” схемасида тавсифлашни маъқул топмоқдалар.

Когнитив йўналиш доирасида метафора тафаккур қонуниятлари асосида кечадиган оламни билиш жараёнини акс эттирувчи ҳодиса сифатида талқин қилинади. Бошқача айтганда, метафора тажрибанинг бир соҳасидан иккинчисига кўчишини қандай тизимли равишда таъминлашини изоҳлайди. Мазкур когнитив механизм номаълум объектни маълум бўлгани воситасида тушунишга ёрдам беради. Бунда бир хусусият етакчи ўринга чиқарилиб, иккинчиси яширилиши йўли билан онга таъсир ўтказилади ҳамда инсон ҳаракати назоратга олинади.

Ушбу когнитив назария доирасида амалда бўлган тушунча “cross – domain mapping” тушунчасидир. Бу тушунчани “майдонлараро кўчим” мазмунида англашимиз маъқулдир, зеро метафора ҳосил бўлишида бир соҳага оид билим иккинчисига татбиқ этилади ва натижада умумий майдон юзага келади. Бундан ташқари концептуал метафора жисмоний (гавдага таъсир кўрсатадиган), атроф-муҳит ва маданий тажриба ҳақидаги билимга таянади. Метафора ҳосил бўлишининг охириги нуктасидаги “мўлжал майдони” (target domain) мавҳум, сезиш қийин бўлган ноаниқ ва субъектив тушунча бўлиб, уни биз сезги органлари ҳаракати ёки олам билан муносабат доирасида ўзлаштира олмаймиз. Мўлжалдаги билимни биз манба

⁹Кубрякова Е.С. и др. Краткий словарь когнитивных терминов.–М.:Изд-во МГУ,1996. – 245 с.

майдонидаги билимга асосланган ҳолда концептуаллаштирамиз. Демак, концептуал метафора майдонлараро мантикий кўчим шароитида шаклланидиган ҳодисадир. Ушбу талқинни умумлаштирган Ж. Лакофф ва М. Жонсоннинг қайд этишича, “метафоранинг моҳияти бир нарсани бошқа бир нарса нуқтаи назаридан идрок этиш ва тушунишдир”¹⁰.

Дарҳақиқат, метафоранинг роли фақат объектлар, ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликларга ишора қилиш бўлиб қолмасдан, балки маълум шароитда янги концептуал ва перцептуал хусусиятларнинг яратилишида кўринади¹¹.

Когнитивист олимлар концептуал метафораларни турли мавзуий гуруҳларга ажратадилар. Шундай гуруҳлардан бири “ҳаёт” мавзусида бўлиб, унга LIFE IS A CONTAINER (“Ҳаёт бу – контейнер”), LIFE IS A GAME (“Ҳаёт бу – ўйин”), LIFE IS A JOURNEY (“Ҳаёт бу – саёҳат”), LIFE IS A BUILDING (“Ҳаёт бу – бино”) кабилар киради. Ушбу образли тасаввурлар барча инсонлар тафаккур фаолияти учун бир хил. Жумладан, тадқиқотчиларнинг кузатишича, LIFE IS A BUILDING метафораси инглиз, япон, араб, португал тилларида мавжуд экан (Kövecses 2005). Худди шунингдек TIME IS MONEY “Вақт бу – пул” инглиз ва ўзбек тилида сўзлашувчи нутқ эгалари тезаурусидида бир хил мавжуд бўлиб, когнитив-семантик универсалиялар қаторидан ўрин олиши ҳам исботланган¹².

Концептуал ёндашув метафора ҳодисаси шаклланиш жараёнини назорат қилишнинг когнитив механизмларини аниқлаш, унинг тизимли тавсифини беришга катта имкониятлар туғдирди. Шунингдек, бу йўналишда бажарилаётган ишларнинг натижалари концептуаллашув назариясининг амалиёт учун аҳамиятли тавсиялар яратилишига туртки беришидан гувоҳлик бермоқда.

Бизнинг наздимизда, концептуал ёндашув йўналишида бажарилаётган изланишларни изчил давом эттириш зарурати мавжуд. Зеро, метафора ҳодисасининг сиру-асрори, унинг моҳиятини намоён қилувчи белгилар тил соҳибининг тафаккур имкониятлари ботинида яширинганлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Ботиндаги белги-хусусиятларни, яширин имкониятларни сақлаш сирларини ошкора қилишнинг энг самарали усули таҳлилни макроконтэкст, яхлит дискурс ёки матн доирасига кўчиришнинг пайти келди, деб ҳисоблаймиз.

Матнда воқеалар, фактлар, воқеа кечаётган макон ва замон, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари кабилар баён қилинади. Буларнинг барчаси матндаги фактуал ахборотни таркиб топдиради. Мазкур турдаги ахборот қўшалок ролни бажаради: у, бир томондан, матнни “тирилтиради”, яъни уни ҳаракатга тушириб, мазмунни воқелантирса, иккинчи томондан, ушбу мазмунни, ифода қилинаётган фикрни турли “ниқоблар” воситасида яширади ва бунинг билан мазмунни англашни қийинлаштиради. Бадиий матнда фактуал ахборот, бошқа жанрдагилардан фарқли ўлароқ, алоҳида ёки соф

¹⁰Lakoff G., Johnson M. *Metaphors we live by.*—Chicago: The University of Chicago Press, 1980/2003.—276p.

¹¹Сафаров Ш. Когнитивно-интерактивные функции метафоры// Мир духовной культуры человечества: язык, литература, искусство. – Самарканд, 2006. – С. 82-85.

¹²Худойберганава Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Т.: Фан, 2013.—135 б.

ҳолда ифодаланмайди. Ушбу ахборот муаллиф мақсадига мос равишда узатилади. Шунинг учун ҳам бадиий матннинг алоҳида қисмларга ажралиб кетмаслигини таъминловчи асосий омил – унинг концептуаллигидир. Концептуал ахборотсиз матн яхлитлик хусусиятга эга бўла олмайди. Яхлитликни, айти пайтда, метиндек жипслашиш рамзида қарамаслик керак, чунки юқорида айтилгандек, ҳар қандай матн турли концептуал структуралар иштирокида таркиб топади.

Когнитив стилистика йўналишида фаолият кўрсатишаётган тадқиқотчиларнинг эътиборига бадиий асар персонажларининг “тафаккур усули” (mind style)ни когнитив метафора таҳлили доирасида ўрганиш муаммоси тушган. Инглиз адабиётшуноси Рожер Фаулер таклиф қилган “mind style” термини маълум шахслар (муаллиф, персонажлар) дунёқарашининг матндаги лисоний тузилмаларда акс топишини англатади¹³.

Шунингдек, концептуал метафораларнинг турли жанр ва мавзудаги асарларда фаоллашуви ҳамда бажарадиган вазифалари тадқиқи ҳам назардан четда қолгани йўқ.

Мамлакатамизда концептуал метафора ва бошқа турдаги ментал структураларнинг таҳлилига бағишланган ишларнинг сони ҳозирча унчалик кўп эмас. Когнитив стилистика фани эндигина тетапоя қилишни ўрганмоқда. Аммо Д.У. Ашурова, Ш.С. Сафаров, Ғ. Ҳошимов, М.И. Расулова ва уларнинг издошлари концептуаллашиш билан боғлиқ ҳодисалар табиатини ўрганиш муаммоси, хусусан, когнитив схемалар тадқиқи билан шуғулланиб келмоқдалар. Жумладан, “Бадиий матн стилистикаси” дарслигида концептуал блэндинг ҳодисасининг когнитив метафорани ҳосил қилиш имкониятлари қайд этилади¹⁴.

Айниқса, Н.М. Жусуповнинг қатор ишларида матнда ифодаланаётган ахборотнинг илгари суриш (foregrounding) ҳодисаси ўрганилиб, ушбу ҳодисанинг бадиий матнларда мажмуавий механизм сифатида юзага келишининг асосида билим структуралари, турли когнитив жараёнлар туриши далилланмоқда¹⁵.

Шундай қилиб, концептуал метафора ва тасвир схемаси ҳодисаларининг бадиий адабиётда фаоллашуви масаласи охириги ўн йилликлар давомида мунтазам равишда тадқиқотчилар диққатини жалб қилиб келмоқда. Ушбу ҳодисаларга мурожаат қилиш орқали биз ҳам “Жейн Эйр” романи персонажларининг дунёқарашини ва тафаккур усулининг метафоралар воситасида лисоний воқеланиши билан боғлиқ хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида изоҳланган когнитив назариялар татбиқида “Жейн Эйр” романи матнининг метафорик таркибини уч жиҳатдан таҳлил қилинди. Ушбу кўринишдаги таҳлилни қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-чизма):

¹³ Fowler R. Linguistic Criticism. – Oxford: Oxford University Press, 1996. – 272 p

¹⁴ Ashurova D.U., Galieva M.R. Stylistics of literary text. – Т.: AlisherNavoiynomidagi Milliy Kutubxona, 2013. – 204 p.

¹⁵ Джусупов Н.М. Когнитивная стилистика: теория и практика стратегии выдвижения в художественном тексте. – Т.: VneshInvestProm, 2019. – 464c.



1-чизма. Асар метафорик таркибининг таҳлил йўналишлари

Келтирилган чизмадан кўринадики, “Жейн Эйр” романи матнидаги метафорик ижодкорлик, энг аввало, икки ўлчамда, яъни контекстуал ва эстетик кўламда таҳлил қилинади. Бунда контекстнинг бевосита табиий муҳитни акс эттирувчи, ижтимоий, маданий ва дискурс кўринишларда бўлиши инобатга олинади. Айти пайтда, романда концептуал метафоралар бажарадиган эстетик вазифа ҳам қайд этилмасдан қолмайди.

Бундан ташқари, лисоний воситаларнинг муаллиф ва персонажлар дунёқараши шаклланишидаги иштироки масаласи ҳам муҳокама қилинади. Зотан, персонажлар тафаккур стилининг турли-туман бўлиши, турли метафорик иборалар қўлланиши билан белгиланиши таҳлил қилинмоқда. Феминистик бадиий асарларнинг дастлабки намунаси бўлган “Жейн Эйр” романида бош қаҳрамоннинг ёшлигидан бошлаб шахс сифатида шаклланиш жараёни, унинг психологик ва ахлоқий баркамолликка эришиш даври батафсил тасвирланган. Шу давр ва жараён босқичларини тавсифлаш учун ҳаёт, ўзлик, инсонлар орасида муносабатларни ифодаловчи метафоралар билан бир қаторда, қаҳрамонларнинг жинсий фарқлари ва диний ишончини акс эттирувчи метафоралар ҳам таҳлил қилинди.

Ишнинг “Жейн Эйр” романида метафорик ижодкорликнинг **воқеланиши** деб номланган иккинчи бобида роман матнида учрайдиган метафорик тузилмаларнинг когнитив хусусиятлари ёритилиб, “Жейн Эйр” романи матнида фаоллашган метафорик тузилмалар у ёки бу турдаги концептуал метафораларнинг қайта ишланиши, яратилиши йўлидаги ҳаракат маҳсули эканлиги исботланган. Бинобарин, уларнинг кўпчилиги “knowing is

seeing” (“билмоқ кўриш демакдир”), “events are action” (“воқеа фаолият натижасидир”), “emotion is force” (“ҳиссиёт кучдир”) каби фавқулодда намоён бўладиган концептуал қиёс натижаси бўлса, бошқалари эса “life is a journey” (“ҳаёт саёҳатдир”), “a life time is a day” (“тириклик куннинг ўтишидир”), “people are plants” (“одамлар ўсимликка ўхшайди”) сирасидаги ҳаммага таниш кундалиқ тажриба билан боғлиқ хулосалар замирида яратилган.

Атроф-муҳитдаги турли-туманлик тафаккурда шаклланган тушунчаларнинг лисоний воқеланишига таъсир кўрсатиши муқаррар. Чунки одамларнинг фаолияти атроф-муҳит хусусиятларига мос равишда кечади.

Атроф-муҳит ёки табиий муҳит контексти ҳақида гапирганда, одатда, маълум тилда мулоқот юритаётган инсонлар атрофидаги жуғрофий, биологик-физик қуршов тушунилади. Турли миллат вакиллари яшайдиган табиий муҳитда фарқлар мавжуд бўлиши кутилган ҳол ва одамлар беихтиёр шу муҳитга мослашадилар. Бундай мослашув уларнинг мулоқот фаолиятида ҳам ўз аксини топиши аниқ. Турли тилларда сўзловчи ва турли муҳитда яшовчи шахслар, шу жумладан, ижодкорларнинг ҳам метафораларни шакллантириш қобилияти бир хил эмас. Масалан “Жейн Эйр” романидан қуйидаги парчани олайлик:

Reader, do you know, as I do, what terror those cold people can put into the ice of their questions? How much of the fall of the avalanche is in their anger? of the breaking up of the frozen sea in their displeasure?...

The avalanche had shaken and slid a little forward, but it did not yet crash down. (Chapter 35, 396).

Мазкур мисол Жейннинг Сент-Жон Риверсга бераётган ўта эмоционал руҳдаги жавобидир, чунки билдирган таклифига рад жавобини олган Жон ҳазратлари унга нисбатан совуқ муносабатда бўла бошлаган эди. Парчада етакчилик қилаётган концептуал метафораларни EMOTION IS SUBSTANCE, EVENTS ARE ACTIONS, RATIONAL IS COLD сифатида аниқлаш талаб қилинади.

Бу ерда метафорик кўчимни таянч ҳудуди (source domain) бўлган “муз” (ice), “муз кўчкиси” (fall of avalanche), “денгиз муз қатламининг ёрилиши” (breaking up the frozen sea) кабилар бошқа ҳудудга ўтиб, совуқ муносабат, қаҳр, норозилик маънолари ифодаси учун хизмат қилмоқда. Натижада, асарнинг ўқувчиси Жон Риверснинг ҳақиқатдан ҳам хафа бўлганига ишонади.

Навбатдаги матн парчаси таҳлилига ўтамыз:

It is- that he asks me to be his wife, and has no more of a husband's heart for me than that frowning giant of a rock, down to which the stream is foaming in yonder gorge. He prized me as a soldier would a good weapon, and that is all (Chapter 34, 389).

Жон ҳазратлари Жейндан унга турмушга чиқишни ва ҳамроҳликда Ҳиндистонга кетишни сўрамоқда. Ушбу таклифнинг сабаби севги эмас, балки миссионерлик вазифасини бажаришда ёрдамчига муҳтожлик эканлигини, ҳазратнинг хотини сифатида ёнида бўлиш уни ҳар қуни руҳан

азобланишга олиб келишини билган Жейн рад жавобини беради. Фаоллашаётган концептуал метафора EMOTIONAL EFFECT IS PHYSICAL CONTACT мазмунида кўриниш олади. Бундай мазмун шаклланишида “қоянинг сирини севгисиз муносабат” доирасига кўчирилган. Бу ерда ҳам табиий муҳит метафорик кўчимга туртки берган: узокдаги тор доирада улкан қоя оқимга тескари турибди.

Биз нутқий фаолиятимизда метафоралардан фойдаланар эканмиз уларни мулоқот кечаётган ижтимоий шароитга мослаштиришга ҳаракат қиламиз. Бу муҳит суҳбатдошлар ўртасидаги муносабат, яқинлик меъёрлари билан белгиланиб, турли ижтимоий шароитларда ўзаро алоқага киришаётган шахсларнинг гендер мақомини ҳам қамраб олади.

Бевосита ижтимоий муҳитнинг метафора танловидаги ўрнини изоҳлаш учун “Жейн Эйр” асари матнидан бир мисолни келтирамиз:

The forehead declares, Reasons sits firm and holds the reins, and she will not let the fillings burst away and hurry her to wild chasms (Chapter 19, 190).

Бу ерда образли ифода EMOTION IS A CAPTIVE ANIMAL концептуал метафораси атрофида қурилганлигини кўрамиз. Метафорик тузилманинг мазмуни “ҳис-ҳаяжон” назоратига уруниш қамовдаги ҳайвон назоратига тенгдир. “Қамовдаги ҳайвон” (янада аниқроқ айтадиган бўлсак- “асов от”) тушунчасининг метафорик концептуаллашуви бевосита муҳит билан боғлиқ. Маълумки, романда ҳикоя қилинаётган воқеалар XIX аср Британиясида кечган ва ўша даврда бу юртда асосий транспорт воситаси от қўшилган арава бўлган. Худди шу ҳайвон Рочестерга метафорик тафаккур юритиш учун туртки беради.

Яна бир метафора фаоллашган ҳолат таҳлилига ўтамиз:

Something of vengeance I had tasted for the first time: as aromatic wine it seemed on swallowing, warm and racy; its after-flavour, metallic and corroding, gave me a sensation as if I had been poisoned. (Chapter 4, 31).

Миссис Рид томонидан мистер Брокелхерст хузурида хўрланган ёш Жейн бирданига портлади. У миссис Ридни ёлғончиликда айблаб, ўзини етимлар мактабига жўнатишни талаб қилмоқда. Унинг ғазабдан ёнаётганини кўрган миссис Рид шу қадар ҳайратга тушдики, Жейннинг ичида худди шайтон жойлашгандек тасаввур қилди. Интиқом хоҳиши Жейнга тасалли берди, ҳамда тезда пушаймон қила бошлади.

Бу ерда Жейн интиқом ёки қасос тушунчасини вино татиб кўришга ўхшатмоқда. Оқибатда, яна бир сенестеза метафораси FEELINGS ARE TASTE фаоллашмоқда. Ушбу метафорик тузилманинг семантик манбаси вино татиб кўриш ҳаракати бўлса, мўлжалдаги мазмун эса – ёш боланинг катта ёшдагига нисбатан қасдидир.

Шоир ва ёзувчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати унинг ижодий фаолиятига таъсир кўрсатиши барчага маълум ҳақиқатдир. Худди шундай сўзловчининг шахсий муносабати, воқеликка қизиқиши ҳам метафора шаклланиши жараёнига таъсир кўрсатади.

The new face, too, was like a new picture introduced to the gallery of memory; and it was dissimilar to all the other hanging there: firstly, because it was

masculine; and, secondly, because it was dark, strong, and stern. (Chapter 12, 107).

Ушбу мисолда фаоллашаётган концептуал метафоралар: KNOWING IS SEEING ва INTIMACY IS DISTANCE. Бу ерда gallery яъни, “расмлар галереяси”, memoгу “хотира”га ўхшатишмоқда. Зеро, галереяда намоёниш қилинаётган расмларда олдиндан таниш юзлар акс топмоқда. Янгитдан қўйилган расмларда эса, янги юзлар ёки янги шахслар намоёниш қилинмоқда.

Асарнинг матнидан маълумки, Жейн Ловуд ўқув юртининг аълочи ва тиришқоқ талабаларидан бири сифатида тарбия олган. Ушбу муассасага ўн йил давомида аввал талаба кейин эса ўқитувчи вазифасида қатнаб, француз тилида эркин сўзлайдиган, рассомлик касбини эгаллаган хоним сифатида шаклланиб улгурган. Унинг рассомликка қизиқиши, сўзсиз, “галерея” ва “расм” тушунчаларига таянган ҳолда метафорик тузилма шаклланишига сабаб бўлган.

Алхусус, ҳаётини тажриба ва шахсий қизиқиш метафорик тафаккур учун манба ва материал излашда муҳим ролни ўтайди. Бунинг исботини навбатдаги мисолда ҳам аниқ сезиш мумкин:

It was not a bright or splendid summer evening, though fair and soft: the haymakers were at work all along the road; and the sky, though far from cloudless, was such as promised well for the future: its blue—where blue was visible—was mild and settled, and its cloud strata high and thin. The west, too, was warm: no watery gleam chilled it—it seemed as if there was a fire lit, an altar burning behind its screen of marbled vapour, and out of apertures shone a golden redness. (Chapter 22, 231).

Рид хонимнинг ўлимидан сўнг Торнтфильдга қайтиб келган Жейн, бир томондан, изтиробда, иккинчидан, ҳаяжонда ва осмонга боқиб, назарида у ерда алангани кўргандек, худди мармар туман пардаси ортида меҳроб ёнаётгандек (As if there was a fire lit, an altar burning behind its screen of marbled vapour). Ичида олов ёнаётган меҳроб рамзи ҳамда парда ортида ярқираётган ёруғнинг олтинсифат чарақлаши Ғарбда ботаётган қуёш таратадиган шафаққа қиёс қилинмоқда.

Метафорик тафаккур юритиш жараёнида турли хил маъно кўчимлари орқали лисоний воқелантирилаётган объектнинг хусусиятлари, бевосита номинатив фаолият бажарилаётганидан кўра, аниқ ва ёрқин намоён бўлади. Эстетик самарага эришиш учун образли баён воситасида ўқувчи(тингловчи)нинг когнитив қобилиятини кўзғатиш лозим бўлади.

... greenness grew over those brown beds, which, freshening daily, suggested the thought that Hope traversed them at night, and left each morning brighter traces of her steps. Flowers peeped out amongst the leaves; snow-drops, crocuses, purple auriculas, and golden-eyed pansies.... Lowood shook loose its tresses; it became all green, all flowery;.... (Chapter 9, 68).

Баҳор келиши биланок Ловуддаги дарахтлар куртак, барг оча бошлайди. Динамик ҳаракат образидаги воқелик тасвири ёш қизнинг сочлари силкинишига қиёсланмоқда (“tresses”). Бу хилдаги образ ҳам манба ва мўлжалдаги семантик марказлар муносабатини акс эттиради. Ёш қизнинг

сарвиқомати, чиройи, иффати кишида завқ ва жонли ҳиссиёт уйғотиши турган гап. У узун сочларини ёйиб, товлатганида маст бўлиб қолишингиз ҳам аниқ. Худди шундай ҳиссиёт ва билим тажрибасини Ловуднинг баҳордаги тасвирига кўчирилиши, сўзсиз, бадий баённинг эстетик бўёқ олишига замин ҳозирлайди.

Диссертациянинг “**Асар қаҳрамонлари дунёқараши ва матнда метафоралар фаоллашуви**” номли бобида метафораларда олам манзарасини идрок этувчи шахс-концептуализаторнинг дунёқараши қай даражада акс топиши масаласи ўрганилиб, асар қаҳрамонлари, шу жумладан, Жейн Эйрнинг когнитив фаолияти ҳақида маълумотлар келтирилган.

Асарнинг бош қаҳрамони Жейн Эйр, Рочестер ва Сент-Жон Риверснинг нутқи метафораларга бойлиги яққол кўзга ташланади. Дастлабки назарда бир-биридан узоқ кўринадиган ушбу метафорик тузилмаларнинг тағзаминида ботиний тушунчалар – ўзаро алоқадаги концептуал метафоралар туради ва уларда қаҳрамонларнинг маълум қадриятларга асосланадиган дунёқарашлари акс топади.

Жейннинг ҳаётга муносабати асосан LIFE IS A JOURNEY концептуал метафораси замирида шакл оладиган тузилмаларда акс топади ва улар структур жихатдан роман давомида ўзгариб боради. Жейн концептуал метафора таркибидаги journey “саёҳат” тушунчасига бераётган сифатларни тўхтовсиз кенгайтириб туради ва шаклан ўзгартириб боради:

It is a very strange sensation to inexperienced youth to feel itself quite alone in the world, cut adrift from every connection, uncertain whether the port to which it is bound can be reached, and prevented by many impediments from returning to that it has quitted. (Chapter 11, 86).

Равшанки, бу ерда концептуал метафора тўлиқ Жейннинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурини намоён қилади. Ёшлиқ ва тажрибасизлик ҳаётни ёлғизлик ва мақсадсиз ҳаётдек тасаввур қилишга ундайди. Худди шу маъно-мазмун яна бир метафорада ифода топади: “*Alas, this isolation- this banishment from my kind! Not only the anchor of hope, but the footing of fortitude was gone*” (p.321).

Рочестернинг метафорик тафаккур фаолиятида аччиқ, жароҳатли ҳаёт тажрибаси акс топган. Ёшлиқда Берта Мэйсонга кўнгил қўйиб, унга уйланиши Рочестерни ҳаётдан норози бўлишига сабаб туғдирди. Натижада у бошқаларга истехзоли, совуқ муносабатда бўлишга одатланди, ҳаёт ва тақдирнинг адолатсизлигидан нолишга тушди. Бундай ҳаёт, сўзсиз, ҳеч кимни қониктирмайди. Психологлар “ҳаёт жароҳати”ни дунёнинг гўзаллиги ва ҳаётбахш манзараларидан узоқлаштирувчи восита сифатида таърифлайдилар¹⁶. Рухий жароҳат инсоннинг кайфияти, фаолияти, ўзлигини намоён қилувчи дунёқарашига таъсир ўтказди. Рочестернинг ҳаётга муносабатини белгиловчи метафоралар мазмуни бунга мисол бўла олади.:

“I started, or rather (for like other defaulters, I like to lay half the blame on ill fortune and adverse circumstances) was thrust on to a wrong tack at the age of

¹⁶Janoff - Bullman. Shattered assumptions: Towards a new psychology of trauma. – New York: Free Press, 1992. – P. 6.

one-and-twenty, and have never recovered the right course since...” (Chapter 14, 126).

Когнитологларнинг талқинича, фавқулудда юзага келган метафора бизнинг тажрибамизни шакллантирувчи ва акс эттирувчи ботиний кучга эга. Бундай метафорик танлов тингловчи (ўқувчи)нинг онгига тез таъсир кўрсатади. Жон Риверс қўллаётган метафора худди шундай мундарижага эга, унинг ҳаётга муносабати ўзига хос. Зеро ҳаёт машаққатли йўл, лекин инсон чин ниятли, кучли бўлса ва режали ҳаракат қилса, сўзсиз, бу йўлни босиб ўтиб, ўз орзусига эришади.

Шундай қилиб, асарнинг асосий қаҳрамонлари нуткида учрайдиган метафораларда уларнинг ҳаётга бўлган муносабати ифода топган, бироқ ушбу муносабатлар бир текис эмас. Мазкур фарқлар турли мазмуний коннотацияларга эга. Романда ҳаётга муносабат акс топадиган метафораларнинг умумий сони 36 та бўлиб, уларнинг мундарижавий тақсимотини 1-жадвалда кўришимиз мумкин:

1-жадвал.

Роман қаҳрамонлари нутқидаги ҳаётга муносабатни акс эттирувчи метафоралар

Ҳаётга муносабат метафоралари (умумий сони -36)	Жейн Эйр (14 та)	Эдвард Рочестер (12 та)	Сент-Жон Риверс (10 та)
Journey “йўл, сафар” (мақсад ва назоратсиз)	8	2	0
Journey “йўл, сафар” (хавфли)	0	2	0
Journey “йўл, сафар” (олга ёки орқага)	2	0	1
Journey “йўл, сафар” (тўғри ёки нотўғри йўналишда)	0	3	0
Journey “йўл, сафар” (қийинчиликларга учраган ҳолда)	0	1	4
Journey “йўл, сафар” (мақсадсиз)	0	0	5
Journey “йўл, сафар” (кураш)	1	1	0
Journey “йўл, сафар” (кувилиш)	1	2	0
Life is a book “ҳаёт – китоб”	1	0	0
Life is a river “ҳаёт – дарё”	1	0	0
Life is a day “ҳаёт – бир кун”	0	1	0

Жадвалдан аёнки, Жейн нуткида ҳаётга муносабат метафораларидан энг кўп учрайдиганлари “ҳаёт мақсадсиз ва назоратсиз сафар” мазмунига эга (8 та). Лекин бу метафораларнинг аксарияти романнинг илк қисмида, яъни Жейннинг етимхонадаги ачинарли ҳаёти тасвирида воқеланган. Рочестер нутқидаги ҳаётга муносабат метафоралари уч турга бўлинади: а) “ҳаёт мақсадсиз сафар”, б) “ҳаёт нотўғри йўналишдаги сафар” ва в) “ҳаёт

қувилишдир”. Ҳазрат Жон эса ўз ҳаётини “мақсадсиз сафар” ҳамда “ҳаёт қийинчиликларга бой йўлдир” мазмунларида тасвирлайди.

Жейннинг ҳаёт ҳақидаги метафоралари бошқа персонажларникига нисбатан бирмунча батафсил баён усулига эга, уларда ҳаётнинг турли жабҳалари, босқичлари образли равишда акс топган.

